

**ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ  
ШАРТНОМА №434**

15. Энвар 2022й.

Тошкент шаҳар

Кейинчалик "Сотувчи" деб юритилувчи «SERENE PHARMA» МЧЖ номидан Устав асосида иш юритувчи директор Исманлов А.А. бир томондан ва кейинги ўринларда "Ҳаридор" деб юритилувчи

РИПЦЭМКОВ

номидан

УСТАВ

(ташкilot номи)

(Устав ёки гувоҳнома № ва санаси)

асосида иш юритувчи

Директор: Абдуселматов Б.З

бошқа томондан, биргаликда

(лавозим, фамилия ва исми шарифининг бош харфлари)

"Томонлар", ушбу шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. Сотувчи ўз зиммасига етказиб бериш, Ҳаридор эса олдиндан тўловни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикасида тиббиётда фойдаланиш учун рухсат этилган бундан буён "Товар" деб юритилувчи дори воситаларини қабул қилиш мажбуриятини олади.

1.2. Товар нархи, номи, миқдори ва ассортименти томонлар томонидан келишиб олинади ва мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган Томонлар томонидан келишилган спецификацияда белгиланади.

### 2. ШАРТНОМА СУММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси **2 337 220сум 00 тийин** ( **Икки миллион уч юз уттиз етти минг икки юз** ) **ҚҚСсиз.**

2.2. Ҳаридор шартнома ғазначиликда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида Товар умумий суммасининг 30% миқдоридан олдиндан тўловини амалга оширади. Шартнома суммасининг қолган 70% ҳисобварақ-фактура имзолангандан сўнг 5 (беш) банк куни мобайнида ўтказилади.

2.3. Ушбу шартноманинг 2.2 банди бузилган ҳолда Товар нархи спецификация / ҳисобварақ-фактурани қайта расмийлаштириш билан қайта кўриб чиқишлиши шарт.

2.4. Олдиндан тўлов муддати тугаганидан сўнг битим Сотувчи томонидан бажарилмаган деб тан олиниши ва Товари банд қилиш бекор қилиниши мумкин.

2.5. Муддати ўтган дебиторлик қарзлари шаклланган ҳолатда, томонлардан бирининг заруратига кўра бошқа томонга тақдим қилинган (ёки тегишли почта хабарномаси) кундан бошлаб 5 (беш) календар кун ичида ўзаро ҳисоб-китоблар далолатномасини имзоланиши шарт. Белгиланган муддат тугаши билан, агар томон асосланган ёзма эътирозлар тақдим этмаган бўлса ёки далолатномани имзолашдан бўйин товласа, далолатнома қабул қилинган ҳисобланади.

2.6. Ушбу шартноманинг 2.5 бандига мувофиқ, дебитор бўлган Томон қарзни тан олган деб ҳисобланади ва ушбу банд асосида кредитор бўлган Томон қарзни ундириш учун дебитор бўлган Томоннинг банк ҳисоб рақамига акцептсиз тўлов талабномаси тақдим этиш ҳуқуқига ега бўлади.

2.7. Ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун айбдор Томон иккинчи Томонга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобидан чиқарилган сумманинг 10 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

### 3. ТОВАРНИ ТОПШИРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Сотувчи ўзининг банк ҳисоб рақамига ушбу шартноманинг 2.2. бандида кўрсатиб ўтилган маблағлар келиб тушгандан сўнг 5 (беш) банк куни ичида Ҳаридорга Товар партиясини чиқариб юбориш мажбуриятини олади.

3.2. Сотувчи берилаётган Товарга мувофиқлик сертификатини тақдим этиш мажбуриятини олади.

3.3. Товари етказиб бериш ҳамда Сотувчидан Ҳаридорга товарларга эгалик ҳуқуқининг ўтиши лаҳзаси Ҳаридор (Ҳаридорнинг вакили) томонидан Сотувчи тақдим этадиган ҳисобварақ-фактурани имзолаш вақти ҳисобланади.

3.4. Ҳаридор Товари ҳисобварақ-фактурага кўра унинг миқдори ва ассортименти бўйича, сифати бўйича эса – товар етказиб бериш вақтида Сотувчи томонидан берилган мувофиқлик сертификатига кўра қабул қилади.

3.5. Етказиб берилган товарлар миқдори, ассортименти ва сифати бўйича Ҳаридорнинг эътирозлари бўйича Сотувчи вакилининг ҳузурда Товар партиясини қабул қилиш вақтида далолатнома тузилади ва томонларнинг вакиллари томонидан товарларни қабул қилиш ва топширишда иштирок этувчилар томонидан имзоланади.

3.6. Ҳаридор товарни ўз транспорти орқали ва ўзининг ҳисобидан олиб кетишни таъминлайди.

3.7. Ҳаридорнинг товарни қабул қилиш пайтида топилган нуксонлар бўйича шикоятни қондириш шикоят топширилган кундан бошлаб 10 (ўн) календар кун ичида амалга оширилиши керак. Шикоятни қондиришнинг иложи бўлмаса, Сотувчи юқорида кўрсатилган муддат тугагандан сўнг 5 (беш) банк кундан кечиктирмай етказиб берилмаган Товарлар, шунингдек қайтариб берилиши ёки алмаштирилиши лозим бўлган Товарлар учун ўтказилган маблағларни қайтаришни ўз зиммасига олади.

3.8. Ҳаридор аввалги етказиб берилган Товар учун тўлов бўйича дебиторлик қарзига эга бўлса, Сотувчи товарни етказиб бермасликка ҳақли.

3.9. Товарнинг тасодифий нобуд бўлиши ёки унга зарар етказиш хавфи Сотувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурани Ҳаридор вакили томонидан имзоланган вақтда Сотувчидан Ҳаридорга ўтади.

#### 4. ТОВАР СИФАТИ

- 4.1. Товарнинг сифати мувофиқлик сертификати билан тасдиқланиши ҳамда стандартларга жавоб бериши лозим.  
4.2. Ҳаридор Товар ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланган сақлаш шартларига риоя қилиши лозим.

#### 5. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 5.1. Товарларни кеч етказиб бериш ёки етказиб бермаслик учун Сотувчи Ҳаридорга кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми суммасининг 0,5% миқдорида жарима тўлайди, лекин бунда жариманинг умумий миқдори етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50% дан ошмаслиги керак.  
5.2. Ушбу турдаги маҳсулот ёки мувофиқлик сертификатлари бўйича давлат стандартларига жавоб бермайдиган товарларни етказиб бериш учун Сотувчи Ҳаридорга товарнинг конунга кўра мос келмаслиги ҳужжатли далиллар томонидан тасдиқланган ҳолда бундай товарлар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди.  
5.3. Етказиб берилган товарлар учун тўлов кечиктирилган ҳолда Ҳаридор (тўловчи) Сотувчига кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4%, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима тўлайди.  
5.4. Товар танланмаганлиги учун, шунингдек, шартномада белгиланган муддатда Сотувчи томонидан етказиб берилганда товарни қабул қилишдан асоссиз бош тортганлик учун Ҳаридор сотувчига 5%, тез бузиладиган товарлар учун эса –танланмаган (ўз вақтида олинмаган) товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди.  
5.5. Агар Ҳаридор тўлов талабномасини тўлиқ ёки қисман асосланмаган ҳолда қабул қилишдан бош тортса, Сотувчига Ҳаридор тўлашдан бош тортган ёки бўйин товлаган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.  
5.6. Неустойка (жарималар, пеня) тўлаш қонунчиликда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, ўзининг келишилган мажбуриятларини бузган томонни шу мажбуриятларни бажаришдан, ва томонлардан бирининг келишилган мажбуриятларни бажармаганлик ёки тегишли равишда бажармаганлик натижасида етказилган зарарни (йўқолган фойда) қоплашдан озод қилмайди.  
5.7. Ушбу шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар тинч йўл билан, томонлар ўртасидаги музокаралар орқали ҳал қилинади. Музокалар орқали ўзаро келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

#### 6. ФОРС – МАЖОР

- 6.1. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вақтда ва улар қонунчиликда ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳолатда томонлар ушбу шартнома бўйича жавобгарликдан озод қилинади.  
6.2. Енгилмас куч бартараф этилганидан сўнг томонлар келишув бўйича ўз муносабатларини қайта тиклайдилар.

#### 7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Ҳаридор амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳужжатларни тақдим этмаса, Сотувчи товарни етказиб бермасликка ҳақли.  
7.2. Шартномага ўзгартиришлар унинг ажралмас қисми бўладиган қўшимча битим тузиш йўли билан киритилади.  
7.3. Шартномани бекор қилиш ўзаро мажбуриятлар ва бажарилмаган даъволар мавжуд эмаслиги шarti билан 30 кунлик олдиндан ёзма огоҳлантириш билан томонларнинг ўзаро розилиги билан амалга оширилади.  
7.4. Томонлардан бирининг юридик манзиллари, банк реквизитлари ўзгарса, бошқа томонни улар ўзгарган кундан бошлаб 5 календар кун ичида ёзма равишда хабардор қилиши керак.  
7.5. Ушбу шартнома ҳар икки томон томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга кирилади ва 31.12.2022 йилгача амал қилади.  
7.6. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ҳар бир томон учун бир нусхада тузилган.

#### 8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

##### СОТУВЧИ

##### «SERENE PHARMA» МЧЖ

Манзил: 100076, Тошкент ш., Яшнобод тумани,  
М.Ашрафий 2-берк кўчаси, 9 уй  
Тел/факс: (998785) 413 20-20  
Банк: КАПИТАЛБАНК АТБ ОПЕРУ  
Х/р: 2021 4000 8049 767 7001, МФО: 00974  
СТИР: 2078 500760

Директор: \_\_\_\_\_ Исмаилов А.А.  
(имзо ва муҳр)

Юрист \_\_\_\_\_

##### ҲАРИДОР



Директор: \_\_\_\_\_  
(лавозим, имзо ва муҳр)

Юрист: \_\_\_\_\_

Превизор: \_\_\_\_\_



**Спецификация**

от 15.01. 2022 г.  
по договору № 434 от 15.01 2022 г.

Поставщик: "SERENE PHARMA" mas'uliyati cheklangan jamiyati

Адрес: Toshkent shahri, Yashnobod tumani,  
M.Ashrafiy 2-berk ko'chasi, 9-uy

Телефон: 781132020

Р/сч: 20214000804976717001


в: ТОШКЕНТ Ш., "КАПИТАЛБАНК" АТ  
БАНКИНИНГ АМАЛИЁТ  
БОШКАРМАСИ

город: г. Ташкент

МФО: 00974

ИНН: 207150760

ОКОНХ:



№	Наименование товара	Ед.	Кол-во	Базовая Цена	Нац. поср. %	Цена покупки	Торг. нац. %	Цена поставки	Сумма поставки	НДС	
										Ставка	Сумма
34 1	Парасер раствор для инфузий 10мг/мл по 100мл ((Paracetamol))	штук	6	21,500		21,500.00	13.00	24,295.00	145,770.00	Без	НДС
133 2	Цефробактум порошок для приготовления раствора для в/в и в/м введения 1,5г №1, (Цефоперазон +сульбактам )	штук	50	38,786.99		38,786.99	13.00	43,829.00	2,191,450.00	Без	НДС
<b>Всего к оплате:</b>									<b>2,337,220.00</b>		

Всего на сумму: Два миллиона триста тридцать семь тысяч двести двадцать сум 00 тийин

Руководитель:



Ismailov A. A.

Руководитель: Абдураимов Б.З.

2020-08-03 16:30:58

Соглиқни сақлаш  
вазирлиги ҳузуридаги  
фармацевтика  
тармоғини  
ривожлантириш  
агентлиги



ШУ.80V.NIZ  
Ягона Интерактив  
Давлат Хизматлари Портали

№ 3794-915F-27B5-7263-74B5-0697-1796  
Хужжат яратилган сана: 2020-08-03  
Ариза рақами: 21060957

Хужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ  
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "SERENE PHARMA"  
Қабул қилувчи рақами: 307150760

Серия: №:

Ўзбекистон Республикаси Соглиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги  
фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15672 - сонли  
ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "SERENE PHARMA" масъулияти чекланган жамиятига таъёр дори воситалари ва  
тиббий буюмларни улғуржи реализация қилиш ни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, М.Ашрафий 2-бەрк  
кўчаси, 9-уй.

207150760

Сонли тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР):

30-07-2020 йил

Лицензия берилган сана:

30-07-2025 йил

Амал қилиш муддати:

14257-90

Лицензиянинг реостр бўйича тартиб рақами:

С.Каримов

Ваколатли шахс:


ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Маъмур ҳужжат Вазирлар Маъжасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон  
қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат  
хизматлари портали тўғрисидаги низомага мувофиқ шакллантирилган электрон  
ҳужжатни нуқсас ҳисобланган. Электрон ҳужжатнинг нуқсасда кўрсатилган  
вазирликнинг тўғрисидаги тоқшириш учун тўғрдоуз веб-сайтига ўтинг. Ва  
қонун ҳужжатини кўриш учун мобил телефон ёрдамида QR-  
кодни сканер қилинг. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги  
728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатнинг маълумот 15 сентябрдаги  
ҳисобланади. Давлат органлари Ягона порталида шакллантирилган электрон  
ҳужжатларнинг нуқсаларини қабул қилишга раъз этишлари қатъий таъқиқланган.



2818

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI



YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YXATIGA O'TKAZISH TO'G'RSIDA

GUVONNOMA

Reestrdagi tartib raqami - 006623-11 № 006623  
2012 yil "04" may

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs "SERENE PHARMA"

ga

berilgan.

TSHS (OIPF) 1153

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

MSH (FCS) 162

Mulkchilik shakli: Xorijiy

MHOBT (SOATO) 1726287

Pochta manzili: MIROBOD KO'CHASI, 12-UY, 235-XONADON

KTUT (OKTPO) 24053194

Yuridik shaxs kodi


XXTUT (OKOHX) 71212

Dorixona muassasalari

STIR (IINH) 207150760

Qo'lovchining identifikatsiya raqami:

Qo'shimcha ma'lumotlar



Vakolati organ ranbari

Zufarova Gulnora

ЎЗБЕКИСТОН  
RESPUBLIKASI  
SOG'LIQNI SAQLASH  
TARMOG'INI RIVOJLANTIRISH  
AGENTLIGI

2020-08-03 16:30:58